Ислом КАРИМОВ:

АГАР БИЗ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ЯШАМОҚЧИ БЎЛСАК, ДУНЁДАГИ БОШҚА ХАЛҚЛАР, БОШҚА МИЛЛАТЛАРДАН КАМ БЎЛМАСЛИКНИ, АКСИНЧА, УЛАР БИЛАН ТЕНГ, ЭРКИН, ҲАМКОР БЎЛИБ УМР КЕЧИРИШНИ ИСТАСАК, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БАХТУ КАМОЛИНИ КЎРМОҚЧИ БЎЛСАК, ҲАЁТИМИЗДА АДОЛАТ, ФАРОВОНЛИК, МАЪНАВИЙ СОБИТЛИК ҚАРОР ТОПИШИНИ ХОҲЛАСАК, ЙЎЛИМИЗДА ДУЧ КЕЛИБ, УЛУҒ ВА ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗГА ХАЛАЛ БЕРАЁТГАН ТУРЛИ ИЛЛАТЛАРДАН ХАЛОС БЎЛИШИМИЗ, УЛАРГА ҚАРШИ ҚАТЪИЯТ, САБОТ-МАТОНАТ, ЖАСОРАТ БИЛАН БИРГАЛИКДА КУРАШ ОЛИБ БОРИШИМИЗ ШАРТ.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
1 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

№ 63 (25.613).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Давлатимиз раҳбари ўзининг миллий ғояни шакллантириш масалаларига бағишланган чиқишларида ижтимоий фанлар вакилларини фаолликка, мустақил мамлакатимиз ривожланишининг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил этишга даъват этмоқда.

Республикамизнинг илмий-тадқиқот институтлари ва ўқув юртларида меҳнат қилаётган кўплаб файласуфлар, жамиятшунослар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ва бошқа фан соҳаларининг вакиллари юртбошимизнинг даъватига жавобан мустақилликнинг ижтимоий долзарб муаммоларига диққатни қаратмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлиб ўтган «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуидаги навбатдаги республика илмий-назарий конференциясида ҳам шу ҳақда гап борди.

Хусусан, академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг «Миллий ғоя ва мулк ҳуқуқи муаммолари», фалсафа фанлари доктори М.Холматованинг «Соғлом авлод тарбиясининг ижтимоий-фалсафий муаммолари», ҳуқуқшунослик фанлари докторлари Ҳ. Бобоев, А.Саидовнинг «Миллий мафкура ва ўзбек давлатчилиги тарихи», «XXI аср қонунчилиги ҳақида» каби мавзулардаги маърузалари мазкур йўналишлардаги илмий изланишлар муаллифларининг даврга ҳамнафас бўлишга интилаётганлигини кўрсатди.

Икки юзга яқин олим ва тадқиқотчи, докторант ва аспирантлар иштирокида қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтган анжуман, иштирокчиларнинг фикрича, жуда фойдали ва энг муҳими, келгусидаги илмий изланишлар учун муайян замин яратди.

■ (ЎзА)

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Бош вазирининг ўринбосари В.Отаев бошқарган мазкур йиғилишда мамлакатимиз автомобиль йўлларида 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили ва уларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи муҳокама этилди. Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ва «Ўздавқурилишматериаллари» компанияси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Йиғилишда шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шахсий транспорт воситаларининг сақлаш жойларини ташкил этиш борасидаги фаолияти ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид масала ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг шу ишга мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланди.

■ (ЎзА)

СУРХОНДАРЁДА РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Вилоят пиллакорлари белгиланган маррага етиб келдилар. Ҳар бир қути қурт уруғидан 50-60 килограммдан кумуш тола олишга эришилди. Давлат омборига шу кунгача 938 тонна сифатли пилла топширилди. Вилоятнинг Термиз, Шеробод, Қумқўрғон, Музрабод туманлари пешқадам бўлди.

■ Азамат ТЎРАЕВ

ҚУВОНЧЛАР МАМЛАКАТИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Мукаррама Турғунбоева номли «Ўзбек рақс» миллий рақс бирлашмаси ҳамкорлигида, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернат тарбияланувчилари учун «Баҳор» концерт залида катта концерт уюштирди.

Аввал болажонларимиз олдига тўкин дастурхон ёзилди. Мақсад болалар қалбига озгина қувонч, яхши кайфият улашиш эди.

Тадбирга шаҳардаги 21, 23, 24, 30-Меҳрибонлик мактаб уйлари ва 103,104-интернатларнинг тарбияланувчилари ташриф буюрдилар. Эътиборлиси шундаки, болажонлар ўз масканларидан бу ерга ҳомийлар томонидан ташкил қилинган махсус автобусларда олиб келинди. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Исматова раҳбарлигидаги бирлашма бадиий жамоалари фаол иштирок этдилар. Тошкент шаҳар ва қатор туман ХДП партия кенгашлари уни ўтказишга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов болаларни табриклар экан, жумладан шундай деди: — Биз катталар Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзларига қатъий ишонамиз ва бу истакнинг рўёбга чиқиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қилмоқдамиз. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад-муддаоси ҳам шу. Сиз, азиз болалар, катталарнинг ғамхўрлигига жавобан, яхши ўқийсиз, билим ва ҳунарларни астойдил ўрганасиз, ҳар томонлама чиниқасиз, Ватанимиз — Ўзбекистонни, халқимизни чин дилдан севадиган баркамол инсонлар бўлиб етишасиз, деб умид қиламиз.

Болажонларимиз шодлигига шодлик қўшиш мақсадида бу ерга ташриф буюрган машҳур шоир Нормурод Нарзуллаев йиғилганларни қутлаб, бу хайрли тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Бир сўз билан айтганда, болалар кулгуси, қувончи бутун оламни тутди.

■ Ўз мухбиримиз.





Сурхондарё вилояти. «Омонхона» сиҳаттоҳи манзаралари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

2-бет

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

АЙҒОҚЧИЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

АҚШ муҳожирлар билан ишлаш хизмати ходими Мариано Фэйгет Куба фойдасига айғоқчилик қилганликда айбланмоқда.

М.Фэйгет асли келиб чиқиши кубалик. У шу йил февраль ойида Майамида телефон орқали Кубага махфий ахборот узатаётганда, Федерал қидирув бюроси томонидан ҳибсга олинган.

ЕВРОПА БЎЙЛАБ САФАР

АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Европа мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. Оқ уй раҳбари Португалия, Германия, Россия ва Украинага ташриф буюради. Сафар олдидан Билл Клинтон "совуқ уруш" барҳам топиши билан Европада катта ижобий ўзгаришлар бўлганини таъкидлаб, бу мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш лозимлигини айтди.

ИСЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фижида Жорж Спейт раҳбарлигидаги исён ҳамон бостирилгани йўқ. Куни кеча Ж.Спейт агар унинг талаблари қондирилмаса, гаровда ушлаб турилганларни қўйиб юбормаслигини айтди. Унинг талаблари ҳокимиятни исёнчиларга топшириш, мамлакат конституциясига ўзгартишлар киритиш ҳамда исёнчиларни афв этишдан иборат.

УЧРАШУВ КЕЧИКТИРИЛДИ

НАТОга қўшилмоқчи бўлган ўн мамлакат ҳукумат раҳбарларининг 4 июнь куни Братиславада ўтказилиши мўлжалланган учрашуви кечиктирилди. Словакия ташқи ишлар вазири Эдуард Куканнинг маълум қилишича, айрим давлатлар учрашувга тайёрлана олмаган.

БОШҚАРУВ ТЎХТАТИЛДИ

Ольстернинг Лондон томонидан тўғридан-тўғри бошқаруви тўхтатилди. Шимолий Ирландия ишлари бўйича вазир Питер Мендэлсон кўрсатмасига биноан, Ольстерда маҳаллий ҳокимият ва қонун чиқарувчи ассамблеянинг ваколатлари тикланган.

ҲАРБИЙ БАЗА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Филиппин ҳукумат армияси айирмачиларнинг йирик ҳарбий базасини қўлга киритди. Тўрт кунлик қаттиқ жангдан кейин Ланао дел Сур вилоятидаги Бушра базаси ҳукумат қўшинлари томонидан ишғол этилди. Ҳарбий тўқнашувда 43 нафар жангари йўқ қилинди, саксондан ортиғи яраланди. Ҳукумат армияси томонидан икки киши ҳалок бўлган.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Марокаш Бош вазирининг иқтисодий тараққиёт масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Умар Каббож қайтадан Африка тараққиёт банкининг (АТБ) президенти этиб сайланди. У.Каббож Марокаш ҳукумати ташаббуси билан илгари сурилган ягона номзод эди. Банк бошқарув кенгашининг махсус йиғилишида уни Жазоир, Ботсвана, Кот-д'Ивуар ва Миср вакиллари қўллаб-қувватлади.

1995 йилда АТБ президенти этиб сайланган У.Каббож минтақада муваффақиятли молиявий ислоҳотлар ўтказди. Натижада банкка аъзо мамлакатларга четдан сармоя жалб қилиш ва имтиёзли кредит бериш анча яхшиланди.

■ (ЎзА)

ОҒРИҚ

БУГУН ҲАМ СТАЛИНГА СИҒИНИШМИ, БУ?

Бу гапларимизга ишонмаслигингиз мумкин. Бироқ, суратда кўриб турганингиз айни ҳақиқат! Бухорода Сталин ҳайкалига сиғинувчилар бор экан. Ромитан туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалигининг Мусича қишлоғида истибдод тузуми тепасида турган шахс ҳайкали эллик йилдан бери турибди. Илгари бу ер Сталин номи билан аталарди. Ва, жамоа хўжалигининг боғида зулмкорнинг ҳайкали ўрнатилган эди. Кейинчалик Мусича қишлоғидаги бу боғ Ғиёс Қурбоновнинг ҳовлисига айлантирилди. Нима бўлган тақдирда ҳам, ҳайкал «эсон-омон» сақланиб қолаверди.

Ҳайкалнинг мавжудлиги ҳақида жамоа хўжалиги раҳбарлари яхши билишади. Лекин ундан воз кечишга уларнинг юраклари дов бермаяптимикин, деган куфр хаёлларга ҳам келасан киши. Йўқса, нега ҳеч ким, ҳой бирадарлар, бу халқимиз бошига қанчалик азоблар солди, бу асл ўғлонларимизни қирди-ку, бошимизда маломат чарҳини айлантирди-ку, деган фикрни айтмаяпти. Ёки Бухорода бундай фикр айтадиган мард раҳбар топилмаяптимикин? Шу гапни ҳар биримиз айтишимиз керак-ку! Халқ бўламан, миллат бўламан, истиқлол тарафдориман, деган одам шундай фикрламайдими? Ҳайкал тумандаги 6-ўрта мактабнинг қаршисида. Ўқувчилар мустабид шоҳга қандай ўй билан қарашаркин? Энг ачинарлиси, ширкат хўжалиги раҳбари Шавкат Шодиев бу йўлдан, ҳайкал яқинидан ҳар куни 3-4 маротаба ўтади... Буни қандай тушунмоқ мумкин? Ғурурсизликми, ёки қуллик асорати гирдобида ғарқ бўлишми?

Ўзини англамаган, руҳиятини истиқлол нуридан чароғон этмаган одамнинг ботини зимистон бўлади. Зимистонлик халқ кўзини кўр, қалбини сўқир қилади, шуурини музлатади. Қалби сўқирлар халқ бўлолмайди. Халқсизлик эса таназзул дегани.

Телевизорда, радиода, газет-журналда ўзлик, миллий ғоя ва мафкура масаласида тинимсиз гап бўлаяпти. Бизни разолат ботқоғига ботишга мажбурлаган эски тузумга нисбатан уйғоқ фикрлар айтилаяпти...

Бизнинг бугунимизга Сталин ва ҳурлик душманлари ўқ отмаганмиди? Бизнинг порлоқ юлдузларимизни улар сўндирмаганмидилар? Куни кеча шаҳидларни хотирлаб, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этмадикми? Тарихга тикилган нигоҳлардан аламли кўз ёшлар оқди-ку...

Очиғини айтганда, шу таҳлит ҳайкаллар, монументлар юртимизнинг кўп жойларида сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Қўлимизда факт ва фотосуратлар бор. Ўша жойдаги раҳбарлар, зиёлилар, қалбида зиғирчалик ғурур борми, деган шубҳали ўйдан кўнглимиз қақшаётгани чин. Нега шундай? Қачон халқ бўласан, деган саволни нақотки такрорлашга тўғри келаётган бўлса?..

Қадримизни, шаънимизни топтамайлик. Озодлик йўли — уйғоқлик йўли. Уйғоқлик йўлидан эса руҳи баланд, қалби озод — тирикларгина юра олади.

■ БОШ МУҲАРРИР

ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ



Қўлимизда битта бош узум,
Тенг бўламиз икков ўртадан.
Қалблар тоза кулгумиз каби,
Меҳр кетмай турғин ўртадан.

ГЎДАК

Гўдак ухлар эди соҳилда,
Беланчаги самбит ниҳолдан.
Денгиз ҳам тинч, гўёки унинг
Тақдири ҳақида хаёлга толган.

Аммо сезилади унинг қаърида
Тўлқинларнинг дев суронлари.
Шундай теранликда яшар ҳозирча
Гўдакнинг келажак ҳаяжонлари.

■ Асқад МУХТОР

ЖАҲОН

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 20.XI.89 да Нью-Йоркда қабул қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

мафкуралар руҳида, айниқса, тинчлик, қадр-қиммат, сабр-тоқат, озодлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши керак деб ҳисоблаб, болаларни алоҳида ҳимоя қилиш кераклиги, 1924 йилги «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева Декларацияси» ва Бош Ассамблея томонидан 1959 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари Декларацияси»да кўрсатиб ўтилган, шунингдек, болаларнинг осойишталиги масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган муассасалар ва халқаро ташкилотларнинг низомлари ва бошқа тегишли ҳужжатларида тан олинганлигини инобатга олади.

«Бола ҳуқуқлари Декларацияси»да кўрсатилганидек, «Бола ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлмаганлиги сабабли махсус қўриқланиш ва ғамхўрликка, шу жумладан, туғилишидан олдин ва кейин ҳам етарли даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтожлиги»ни эътиборга олади.

■ **Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция III қисм, 54 моддадан иборат.**

ЎЗБЕКИСТОНДА...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 4 мартдаги Фармони билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг жаҳон амалиётида мақоми жиҳатидан ўхшаши йўқ биринчи ордени эди.

«Соғлом авлод учун» ордени I ва II даражалидир.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январь Қарорига мувофиқ «Умид» жамғармаси ташкил қилинди.

«Умид» жамғармаси истеъдодли, ўз Ватанига шон-шуҳрат келтира оладиган ёш йигит-қизларни жаҳоннинг етакчи мамлакатларидаги обрўли олий ўқув юртларида билим олишини ташкил этади.

* * *

1999 йил 7 декабрь — Конституция байрами тантаналарида 2000 йил, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Соғлом авлод» йили деб эълон қилинди.

* * *

1999 йил «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод орзуси» номли асари чоп этилди.

* * *

1997 йил 29 августда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

***

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

***

2000 йил 15 февралда «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

***

Мамлакатимизда оила давлат ардоғидадир. Дунёда энг серфарзанд бўлган ўзбек оиласи тегишли яшаш майдонига эга бўлган турар жойни навбатсиз олади. Унга пул нафақаси ажратилади. Бошланғич синф ўқувчиларига мактаб формаси ва пойабзал берилади. Ота-оналар фарзандлари учун соғломлаштириш лагерларига имтиёзли йўлланмалар оладилар. Онанинг декрет таътилига икки йил мобайнида ҳақ тўланади. Давлат 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлайди.

СЎЗ ВА СУРАТ

МЕНГА ЭРТАК СЎЗЛАБ БЕР, БУВИ

Ташқарида гуркирар баҳор, —
Ранг, оҳангга тўла бир олам.
Ташқарида ажиб шаён, виқор,
Юрагимда лекин дард-алам,
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

Тингламоқни истайман бирам,
Истар маҳзун, шикаста дилим.
Кетди... Энди келмайди сира,
Келмагандек ўтган ой, йилим.
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

Майли, бирпас бўлса-да, майли,
Эртаклардан олай куч, ором.
Гоҳ шу экан тақдирнинг зайли,
Унутмоғим шартдир батамом.
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

Ҳиммати-ку кўпдир дунёнинг;
Турфа рангда улар намоён.
Илк севгига, лекин дунёнинг,
Марҳамати эмаскан осон!
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

■ Азим СУЮН

Ҳаёт ҳали менинг олдимда,
Ақлим ўсар, фикрим юксалар.
Аммо кўрганларим ёдимда,
Ҳаммаси ҳам бутунлай қолар.

Ўша пайтда қайсиси кулгу,
Қайси бири берар ҳаяжон.
Бу шеъримнинг боиси шулки:
Фикр — бола, бола — ўсувчан!

■ Усмон НОСИР

Ҳар ўзбекнинг ҳовлисидан
Ариқ оқар шилдираб,
Айвонларин теграсида
Бола юрар пилдираб.

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

Яқинда Қўқон шаҳрида Фарғона транспорт прокурори, адлия маслаҳатчиси Равшанбек Шерматовнинг ташаббуси билан «Ўзбекистон темир йўллари» ҳиссадорлик компанияси Фарғона ва Андижон дирекциялари тизимидаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида «Соғлом авлод» Давлат дастурини бажаришга бағишланган кенгайтирилган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгашда иштирок этган Қўқон шаҳридаги 133-ясли боғча мудираси Сабохон Каримовадан таассуротлари ҳақида сўрадик.

— Ростини айтсам, кенгаш ишидан қаттиқ таъсирландим. Чунки «Соғлом авлод» йилини ўткинчи байрамлар, қоғозда қолиб кетадиган режалар билан эмас, балки бугунги кенгашдагидек бола тарбиясига фойдаси тегадиган амалий тадбирлар билан ўтказишимиз керак. Мен кенгаш ташкилотчиларига катта миннатдорчилик билдираман.

Қўқон шаҳридаги 53-мактабнинг юқори синф ўқитувчиси Нигорахон Усмонхўжаева Сабохон опанинг фикрларига қўшилганларини билдирадилар:

— Бу кенгашга битирувчи синф ўқувчиларидан 5-6 тасини ўзим билан бирга олиб келдим. Аввалига улар зерикиб қолишса керак, деб чўчигандим. Аксинча, аниқ таҳлиллар ва мисолларга таяниб қилган маърузалари менда ҳам, уларда ҳам чуқур таассурот қолдирди. Ўқувчиларим кенгашдан хулоса чиқариб, Президентимиз таъкидлаганидек, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавиятли, мард ва жасур, ҳақиқий ватанпарварлар бўлиб етишишга аҳд қилишди.

Ҳулкар ҲАМИДУЛЛО қизи

КАКЛИК

Тошлардан тошларга хатлаб, йўрғалаб,
Мириқиб-мириқиб ўйнар эди у.
Ҳисларим кўкракка сиғмай, чўққида,
Қуёшга интиқдай куйлар эди у.

УМИДЛАР УШАЛАДИ

Мамлакатимиз пойтахтида ўз ишини якунлаган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида бир қатор масалалар билан биргаликда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мен бутун ҳаётимни спортга, ёш авлод тарбиясига бағишлаганман. Ўзбек спортининг кенг доврўқ ёйишига, дунё саҳнасига чиқишига умид билан яшаганман. Бизнинг бу орзуларимиз истиқлол туфайли амалга ошди. Сессияда ҳам муҳтарам Президентимизнинг шахсан ўзлари ушбу муҳим масалага эътибор қаратганлари менга куч-қувват, эртанги кунга умид бағишлади.

Ҳаётни севган инсон, спортни ҳам севади. Айниқса, болажонларимизнинг келажакда ватанимиз шаънини ҳимоя қилиш учун жаҳон майдонларида кураш олиб боришига бугун ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Президентимизнинг «Пахтакор» жамоаси ҳақида айтган фикрлари бутун халқимизнинг юрагидаги дарди эди. Барчамиз ҳаяжон билан тингладик. Мана, сессияда қонун ҳам қабул қилинди. Эндиги гап мана шу Қонунимизни амалга оширишдир. Фарзандларимиз қалбида ғурур уйғониши, ватан шаъни ҳақида ўйлаши, миллатимиз доврўғини дунёга ёйиш учун ҳам жисмоний тарбия ва спорт энг биринчи вазифамиздан бирига айланиши керак. Ушандагина энг буюк орзуларимиз ушалади.

■ **Юсуф ТОШМАМАТОВ,**
I даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори

Ширин ухлар тонг чоғи гўдак
Ухлар гўдак ё тонг кўксида,
Ёки гўдак қучоғида тонг.
Ухлар ширин ҳам тинч, осуда.

■ Рауф ПАРФИ



Биз жаҳон болалари
Бир-бирига ҳамиша,
жўр бўлса овозимиз,
тинчлик кабутаридай
Эш бўлса парвозимиз,
Фахр этардик,
гар бўлса
Имкон, имтиёзимиз,
Биз — жаҳон болалари.

■ Тўра СУЛАЙМОН.

БОЛАЛАРГА ЭНГ УЛКАН СОВҒА

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан нашр этилган «Мўъжиза китоб» номли болалар учун универсал энциклопедия ҳар бир ўзбек хонадонида бўлиши назаримизда заруратдир. Фарзандларимиз учун баъзида қимматбаҳо совғалар қиламиз. Лекин китобдан яхшироқ совға бўлмаса керак.

«Мўъжиза китоб» ўта ноёб нашр ҳисобланиб, у болалар учун чиқарилган аввалги энциклопедиялардан кескин фарқ қилади. Китобдаги барча материаллар содда ва оммабоп тилда, мавзу жиҳатидан турли бўлимларга ажратилган. Шуниси эътиборлики, китобдаги маълумотлар муайян тизим асосида боланинг дунёни идрок қилиш қобилиятларига, ёш хусусиятларига мувофиқ тарзда тартибланган. Ундан мактабгача ёшдаги болалардан тортиб ўрта мактаб ўқувчиларигача бемалол фойдаланишлари мумкин. Мазкур уч жилдлик қомус болаларнинг мактаб дастурларини ўзлаштиришлари ҳамда ўз билимларини ҳар томонлама оширишлари учун энг самарали омил бўлиши шубҳасиз.

Биз асарнинг дебоча қисмидаги сўзлар билан сизларни таништирдик. Унинг ич-ичига кириб бориш эса болаларимиз ҳукмига ҳавола этилади.

Болалигим кечган сўқмоқлар,
сенинг ёдинг мудом мукаррам.
Шамолларинг, биламан , йўқлар,
Тополмасдан, топилар барҳам.

■ Шавкат ҲАСАН

ДУНЁ УЙҒОНДИ

Инсон ўзи қўлдан берган дунёсини соғиниб яшайди. Балки шунинг учун ҳам биз ҳамиша болалик онларимизга қайтмоқни истаймиз. Ҳеч бўлмаса бир кун, бир дақиқа мана шу туйғунинг асиримиз.

Сақлаймиз соғлиқни,
ҳуснни, иззатни,
Фақат болаликни
сақлай олмаймиз...

Биз ҳамиша йўқотганларимизни топишга, айрилган туйғуларимизни соғинишга маҳкум этилгандай яшаймиз. Назаримизда меҳр манзили томон элтадиган ягона йўл бу болаларга ҳурмат, эъзоз, муҳаббатдир. Лекин ушбу туйғуни ҳамма вақт ҳам эсда тутавермаймиз.

Каттақўрғон шаҳрида 5-сон махсус интернат мактаби бор. Бу ерда вилоятнинг Каттақўрғон шаҳри, тумани, Нарпай, Иштихон, Пахтачи каби туманларидан жами 223 нафар ўқувчи таълим олади. Бу болалар ногирон эканлиги учун ҳам меҳрга, муҳаббатга муҳтождир.

Яқинда Каттақўрғон шаҳрида жойлашган «Райимбобо» хусусий фирмаси масъул ходими Зувайдулло Мўминов савобли бир ишга қўл урди. У ўз ҳалол меҳнати эвазига топган жамғармаси ҳисобидан интернат болалари учун хайрли бир тадбир ўтказди. Ушбу тадбирда болалар олдига тўкин дастурхон ёзилди ҳамда истиқлол тенгдошлари бўлган тўққиз ёшли болалардан ўттиз нафари номига банкда ҳисоб рақами очиб, уларнинг ҳар бири ҳисобига 2 минг сўмдан пул ўтказилди. Ўттиз болага муҳтарам Президентимизнинг китоблари туҳфа қилинди.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Устозлари изидан борган «Дурдона Х» хусусий фирмаси директори, ёш тадбиркор Улуғбек Ёрмуҳаммедов 135 минг сўм, «Элёр» хусусий фирмаси директори Нуриддин Шоназаров 120 минг сўм интернат ҳисоб рақамига ўтказиб бердилар.

Бизнингча, бу оддий бир ҳолга ўхшайди. Лекин барча ишларимиз ўнгидан келиб турган бир пайтда ногирон болалар тарбияланаётган уйга боришга, уларнинг ҳолидан хабар олишга ҳаммамизда ҳам журъат етавермайди. Бугун ҳар бир шаҳарда, туманда юзлаб хусусий фирмалар иш олиб бормоқда. Агар ҳар бир фирма раҳбари биронта мактабни, болалар боғчасини ўз оталиғига олганда эди, шоир айтганидек «ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни» деган сўзлар ижобат бўлармиди.

Мансур Рашидов — интернат директори:

— Мен баъзан интернатимиз жойлашган кенг, равон йўлдан ўтаётган машиналар тизимига, шўх-шодон кулгуларга қараб ўйга толаман. Аслида дунёни бир кам деганлари рост экан. Болаларимизнинг қўшиқларини, рақсларини томоша қилдингиз. Бу болалар ҳам ўзларини мана шу яшаб турган жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис этмоқлари зарур. Ҳамма ҳам бу ерга ташриф буюравермайди.

Баҳодир Шукуров — меҳнат фахрийси:

— Мен бугун ушбу тадбирни кўзимда ёш билан кузатиб ўтирибман. Биз савоб ҳақида, мурувват ҳақида жуда кўп гапирамиз. Йиғилишлар ўтказамиз, ўзимизча тадбирлар белгилаймиз. Зувайдулло Мўминов иккинчи гуруҳ ногирони, лекин шунга қарамасдан ўз маблағи ҳисобидан болалар учун жуда улкан бир шодлик улашганини кўриб ҳайратланиб ўтирибман. Зувайдуллонинг отаси Райим бобо ва онаси ўн фарзандни вояга етказган покиза инсонлар эди. Мана бугун улардан бунёд бўлган фарзанд ҳам шу юрт учун ёниб яшамоқда.

Ушбу тадбирда жуда кўплаб фикрлар айтилди. Болаларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларни ҳайратга солди. Тадбир сўнггида Зувайдулло Мўминовни суҳбатга тортдик:

— Ҳаётнинг ҳар бир куни мактаб экан, ундан ҳамма ўзича сабоқ олади. Менинг бошимдан ҳам кўпгина гаплар ўтди. Адолатсизликларни, зуғумларни бошимдан кечирдим. Баъзан ўйга толаман. Умр ўтаяпти. Бир куни дўконидан Президентимизнинг «Баркамол авлод орзуси» номли асарини олдим. Ушбу китобни мутолаа қилиб шунга амин бўлдимки, барчамиз Президентимизга елкадош бўлиб баркамол авлод орзуси билан яшамоғимиз зарур экан. Ўшандагина XXI асрда миллатнинг дунёга чиқиши, ўзлигимизни ифода этишимизга ҳақиқий замин тайёрлаган бўламиз. 2000 йил юртбошимиз ташаббуслари билан «Соғлом авлод» йили деб эълон қилинди. Бу эса менинг юрагимдаги туйғуларимни алангалатди. Ушбу интернатда тарбияланаётган болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш ниятида ушбу тадбирни уюштирдим. Янги ўқув йилида интернатда тарбия олаётган 223 ўқувчининг ҳар бирига махсус мактаб либослари тиктириб бермоқчиман. Истиқлол тенгдошлари бўлган ўттиз нафар боланинг ҳисоб рақамига то улар 18 ёшга тўлгунларига қадар 2 минг сўмдан ҳар йили пул ўтказиб бораман. Уларга тиббий хизмат кўрсатиш, китоблар, ўқув қуроллари олиб беришга ҳам ёрдам кўрсатаман. Қисқаси, мен энди бундан кейинги ҳаётимни мана шу болаларнинг қувончлари билан ўтказишга аҳд қилдим.

Умр бир марта берилади. Шу қисқа фурсатда қилинган савобли ишлар инсон ҳаётига сайқал беради. Унинг умр китобини нурли саҳифалар билан безайди. Биз 223 боланинг шодиёна кулгусининг гувоҳи бўлдик. Бизнингча, фарзандларимиз тарбияланаётган ҳар бир даргоҳ юртдошларимиз учун муқаддас бўлиши шарт. Асримиз бошида миллатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир», — деган эдилар.

Шоир айтганидек:

Бир гўзал аёлга
«Севаман» дедим —
Тошлар уйғонди.
Бир жабр кўрганга
«Дўстимсан» дедим —
Тоғлар уйғонди.
Бир жужуқ етимнинг
Кўз ёшин артдим —
Дунё уйғонди.

■ **Алимқул СУЛТОНОВ**

Саҳифани Фарруҳ ҲАМРОЕВ тайёрлади.

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1998 ЙИЛ

8 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти республика Олий Мажлиси XI сессиясида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг ушбу сессиядаги нутқи мазмун-моҳиятини партия аъзолари, аҳоли барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб қилишни йўлга қўйиш тўғрисида ХДП ташкилотларига тавсиялар берди. Ушбу масала юзасидан ўтказиладиган мулоқот, маъруза, суҳбат ва бошқа оммавий-сиёсий тадбирлар мавзуларининг намунавий рўйхати маъқулланди.

12 май. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилояти, шунингдек, уларнинг таркибидаги қатор маҳаллий партия кенгашлари масъул ходимлари ҳамда партия марказий матбуот нашрлари ходимлари республика халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, тарих фанлари номзоди Убайдулла Уватовнинг «Имом ал-Бухорийнинг мероси ва унинг миллий маънавиятимизни юксалтириш, диний экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти» мавзуидаги маърузасини тингладилар.

3 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев машҳур ватандошимиз — қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси ва унинг аҳамияти мавзуида маъруза қилди.

9 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика Олий Мажлисига бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатликка номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди.

22 июнь. Ўзбекистон ХДП МК Котибияти республика Президенти И. А. Каримовнинг «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» («Тафаккур», 1998 йил, 2-сон) номли мусоҳабасида кўтарилган масалаларнинг миллий истиқлол маънавиятини шакллантириш, мустақиллик ғояларининг мамлакатимиз ҳар бир фуқароси, хусусан, ёшларнинг шуурига чуқур сингишига эришиш учун муҳим аҳамиятини инобатга олиб, барча партия ташкилотларига юртбошимиз унда олға сурган қоида ва хулосаларни партия аъзолари томонидан ўрганиб чиқишни уюштириш ҳамда уларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиш тўғрисида тавсиялар берди.

9 июль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига Германия Социал-демократик партияси Марказий бошқарувининг халқаро сиёсат бўлими мудираси Гизела Наук хоним ташриф буюрди. Меҳмон Германияда республикамизнинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида эришаётган ютуқларига, Ўзбекистонда демократияни ҳар томонлама қарор топтириш, унда фуқаролик жамиятини барпо этиш амалиётига катта қизиқиш мавжудлигини қайд этди.

Август. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши муқаддас байрамимиз — Мустақиллик байрами муносабати билан вилоятларда турли-туман тадбирлар уюштирди. Жумладан мамлакатимизнинг таниқли профессор ва олимларидан иборат ХДП Марказий Кенгаши тарғибот гуруҳи Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Тўрақўрғон туманларида қизиқарли учрашувлар ўтказди.

(Давоми бор).

РАТИФИКАЦИЯ ҚОНУНИНИ ИМЗОЛАДИ

Россия Президенти Владимир Путин ядро қуроли синовини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартноманинг ратификацияси ҳақидаги қонунга имзо чекди. Мазкур ҳужжат 21 апрель куни Давлат думаси (парламентнинг қуйи палатаси) томонидан қабул қилинган ва 17 май куни эса уни Федерация кенгаши (юқори палата) қўллаб-қувватлаган эди.

Ядро қуроли синовини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартнома 1996 йил 10 сентябрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан тасдиқланган. Айни пайтда ушбу ҳужжатни 155 мамлакат имзолаган, 57 мамлакат ратификация қилган.

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Сурия ҳукумати мамлакат Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Салим Ёсиннинг банкдаги ҳисобини ёпиб қўйди. У порахўрликда айбланаётган эди. С. Ёсиннинг оила аъзолари очган ҳисоблар ҳам вақтинча ёпилган.

Кейинги пайтларда Сурия раҳбарияти коррупцияга қарши курашни анча кучайтирди. Илгарироқ Сурия ҳукуматининг собиқ раҳбари Маҳмуд Зуабий порахўрликда айбланган ва май ойида унинг суди бўлиши керак эди. Бироқ, собиқ раҳбар судгача ўз жонига қасд қилди.

ҚЎШИМЧА ҲАРБИЙ ЁРДАМ

Ғарбий Африка мамлакатлари Сьерра-Леонега қўшимча ҳарбий куч юборади. Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятининг (ЭКОВАС) Нигерия пойтахтида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида шундай қарор қабул қилинди.

ЭКОВАС маълумотига кўра, тез кунларда ҳамжамиятга аъзо 16 мамлакатлардан жами 3 минг нафар ҳарбий БМТнинг Сьерра-Леонеда тинчликни сақлаш кучлари қўмондонлиги ихтиёрида бўлади.

ЖАНГЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Айирмачиларнинг ўт очишни вақтинчалик тўхтатиш ҳақидаги таклифи эълон қилинганига қарамай, Шри-Ланка ҳукумат қўшинлари Жафна ярим оролида жангарилларга қарши жангларни давом эттирмоқда. Шри-Ланка мудофаа вазирлигидан маълум қилинишича, ҳукумат қўшинлари ўт очишни вақтинча тўхтатиш ҳақидаги таклифдан бехабар.

ГУМОНДОРЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Филиппин хавфсизлик кучлари пойтахт Манилада юз берган портлашга алоқадор йигирмадан ортиқ кишини ҳибсга олди. Филиппин полициясининг маълум қилишича, ҳибсга олинганлар Ислом озодлик фронти аъзолари бўлиб, улар мамлакат жанубида мустақил давлат тузиш учун кураш олиб бормоқда.

ИШСИЗЛАР СОНИ ОШМОҚДА

Шу йилнинг биринчи чорагида Украинада ишсизлик ўтган йилгига нисбатан 5,1 фоиз ошган. 1 апрелга қадар бўлган маълумотга кўра, ишсизлар сони 1229,4 минг кишини ташкил этган.



Ҳиндистон манзаралари

ҚУРҒОҚЧИЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Кенияда юз берган қурғоқчилик сўнгги ойда озиқ-овқат маҳсулотларининг бир неча баробар қимматлашувига сабаб бўлди. Жумладан, мамлакат шимолий ҳудудларида бундай маҳсулотлар нархи икки юз фоиз ошди. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, кўплаб ҳудудлар аҳолиси ҳозир шошилинч ёрдамга муҳтож. Халқаро ҳамжамият кўмагисиз муаммонинг олдини олиш мумкин эмас.

■ **(ЎзА)**

«БИОИНСОН» ЯНА ЭШИТА ОЛАДИ

Исроилда амалга оширилган янги жарроҳлик операцияси жаҳон даражасида ноёб бўлиб, карлар, шу жумладан, туғма кар бўлган болакайларга қобилиятини қайтариш имконини беради.

Операциянинг ноёблиги шундан иборатки, ички қулоқдаги жароҳатланган товуш механизмини айланиб ўтиб, қулоқнинг асосий эшитиш органи «чиғаноқ» қулоққа трансплантация қилинади ва у электродлар билан бевосита миянга уланади.

Янги ишланма Тель-Хашомердаги «Шива» тиббий маркази ЛОР бўлими мудири, профессор Йона Кроненберг томонидан ишлаб чиқилди. У май ойида Берлиндаги умумевропа илмий-тиббий симпозиумида биринчи бор намойиш қилинади, сўнгра июнь ойида Антверпенда бўлиб ўтадиган болаларга органлар трансплантация қилиш услубларига бағишланган халқаро конференцияда кўрсатилади.

Профессор Кроненберг «Маарив» газетасида берган суҳбатида ички қулоқнинг асосий унсури бўлган қулоқ чиғаноғи операцияларида одатда нозик электродлар сингдирилади ва чиғаноқ эшитиш органига уланади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, касаллик ёки жароҳатланиш натижасида эшитиш қобилиятини йўқотганларда ҳам, туғма карларда ҳам мазкур асаб толаси узилган бўлмай, шунчаки ўчиб қолган бўлади, холос. Қулоқнинг мазкур чиғаноғи икки ярим оборотга айлантирилган спирали трубкани эслатади ва нозик пленка билан икки бўлимга ажралган.

Ташқаридан ахборот олиб келган товуш тўлқинларини қабул қилиши оқибатида қулоқ пардаларининг тебраниши уларни қулоқ чиғаноғи ва ички қулоқ махсус қурилмаси ёрдамида механик тебранишларга айлантиради ва чиғанокдан эшитиш органига ўтказади.

Исроилда ишлаб чиқилган услубиятнинг хусусиятлари шундан иборатки, у умумий наркоз билан давом этадиган оддий операциялардан фарқли равишда бир соатдан кам вақтни олади ҳамда мушкул оқибатларга олиб келмайди.

■ **Зилола ЖУМАЕВА тайёрлади.**

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ

Яқинда Тошкентнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. Асримизнинг 20-йилларидан 40-йилларининг бошларига қадар бу ерда учта қатлгоҳ бўлган. Мустабид тузумнинг даҳшатли кашфиётларидан бири бўлмиш бу қатлгоҳларда минглаб ватандошларимиз маҳв этилган.

Одатда «Қатағон» деганда Ватан ва халқ озодлиги йўлида курашган зиёлилар кўз олдимизга келади. Чиндан ҳам, мустабид тузум биринчи навбатда халқни ўз ортидан Ҳуррият манзиллари сари етакламоқчи бўлган кишиларни маҳв этиб, уларнинг оилаларини хонавайрон қилиб ташлаган. Аммо архив ҳужжатлари шаҳид кетган зиёлиларнинг қатағон этилган оддий меҳнат аҳли олдида бир ҳовучгина кишилар бўлганидан дарак беради.

Қуйида сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳужжатли ҳикоя худди шундай кишилар ҳақида.

37- ЙИЛ НАФАСИ

Даҳшатли 37-йил республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари ҳаётига ўзининг оловли нафаси билан кириб келган. Турли лавозимларда ишлаган вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги раҳбарлар ҳам «халқ душманлари»нинг сафини тўлдириб борганлар. Шулар қаторида Зиё Ўлмасбоев ҳам аввал ишдан олиниб, сўнг қамоққа ташланган.

Бир одамнинг ишдан олиниши билан унинг ўрни ҳеч бир замонда бўш қолмаган. Аммо яхши одам ноҳақ ишдан олинса, кимнингдир жони ачийди. Эҳтимол, Ўлмасбоевнинг ўрнига келган Мухин ҳам пашшага-да озор бермайдиган кишилардандир. Аммо, барибир, синашда бўлган, ҳузурига нажот излаб келган кишиларнинг кўнглини олиб, мушкулини осон қилган Зиё Ўлмасбоевнинг ишдан олиниши Мамашукур Оқбўтаевга адолатсизликнинг авж нуқтаси бўлиб туюлди. М. Оқбўтаев Ўлмасбоев ўз вазифасида қолсин, деб юртдошини ҳимоя қилиб чиқди. Лекин, бир томондан, Ўлмасбоевнинг ҳибсга олиниши, иккинчи томондан, Жомбойга янги раҳбарнинг келиши тумандаги вазиятни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. М. Оқбўтаев билан НКВД Жомбой бўлими ўртасида муросасиз кураш бошланди. Кўпчилик бўлиб М. Оқбўтаевни ишдан кетишга мажбур этишди. Собиқ раис ўзи туғилиб ўсган Оққўрғон қишлоғига бош олиб кетди. Янги раҳбари ҳам, чекистлар ҳам эришган ғалабаларидан қаноат ҳиссини туймадилар. Улар М. Оқбўтаевнинг ишларини текшириш учун уни туман марказига чақирдилар. М. Оқбўтаев қайсарлик қилибми ё масаланинг мураккаблашиб бораётганини тушунибми бормади. Шундан кейин уни олиб келиш учун милиционер юбордилар. У бир мунча муддат яшириниб яшади. Аммо...

Аммо 1937 йил 8 ноябрь куни уни қамоққа олиш ҳақида қарор тайёрланди. Ушбу қарорга кўра, аҳоли ўртасида миллатчилик ва аксилинқилобчилик тарғиботини олиб боргани учун Мамашукур Оқбўтаев ижтимоий хавфли унсур сифатида ҳибсга олиниши лозим эди. Бироқ, у ўз атрофига ижтимоий ёт кишилар гуруҳини тўплаб, яшириниб яшади. 4 ноябрь куни Одил Хўжановнинг уйида «аксилинқилобий йиғин» ўтказилиб, унда Оқбўтаевни қамоқдан олиб қолиш масаласи муҳокама этилди. Оқбўтаевнинг тарафдорлари ўша оқшом пайтидаёқ унинг пайига тушган фаолларни топиб, уларнинг адабларини бериб қўймоқчи бўлдилар.

Ўша куннинг эртасига, 5 ноябрь куни, эрталаб НКВД ходимлари Оқбўтаевни яширинган жойида қамоққа олмоқчи бўлишди. Лекин Оқбўтаевнинг тарафдорлари унга ёрдамга келиб, НКВД ходимларини қуролсизлантиришга уриндилар. Ва Оқбўтаев шу орада қочиб кетиб, Пойариқ туманидаги Қудрат Ғиёсовнинг уйида яшириниб яшади. 7 ноябрь куни у зикр этилган манзилда «аксилинқилобий йиғин» ўтказилди, унда 8 ноябрь куни «инсёнчилик-босмачилик» ҳаракатини бошлаш тўғрисидаги қарорга келинди.

Хуфиялар орқали олинган маълумотга кўра, Одил Хўжановнинг уйида бўлиб ўтган махфий аксилинқилобий йиғинда Одил Хўжанов, Жўра Тошбоев, Эсон Расулев, Нормат Хўжанов, Ғози Нуруллаев, Абдулла Оқбўтаев, Исмоил Жўраев, Бердиқул Турдиқулов, Абди Оқбўтаев, Ахрор Очилов ва бошқалар иштирок этишган. 7 ноябрь куни Қудрат Ғиёсовнинг уйида ўтказилган

1

ЖОМБОЙ УЗРА БУЛУТЛАР

«аксилинқилобий махфий йиғин»да эса Исмоил Жўраев, Одил Хўжанов, Жўра Тошбоев, Марка Жулиев (қарорда шундай ёзилган - Н.К.) Абдулла Раҳимов, Саидмалик Расулев, Эргаш Жуманазаров, Ширин Улуғов, Поша Мирзаев ва бошқалар ҳозир бўлганлар.

Бу ҳар иккала йиғинда тахминан бир хил одамлар иштирок этганлари учун улар НКВД ходимларига аксилинқилобий миллатчи унсурлар бўлиб кўриндилар. Ва 3 ноябрда тузилган қарор асосида дастлаб Исмоил Жўраев, 5 ноябрда имзоланган қарор бўйича Нормат Хўжанов ва Ғози Нуруллаев, 9 ноябрь санали қарорга кўра, Иброҳим Хўжанов билан Қудрат Ғиёсов қамоққа олиндилар. Улар билан олдинма-кейин Ахрор Очилов билан Олломурод Жомуротов ҳам ҳибсга олиндилар.

Мамашукур Оқбўтаев гувоҳлар берган кўргазмага кўра, 1922-1924 йилларда босмачилик ҳаракатига мойил кишилардан бўлиб, ҳатто Очилбекнинг, баъзи гувоҳларнинг тасдиқлаши бўйича, Азизқул полвон қўрбошининг ҳам қуролланган қисмларида хизмат қилган. Эшонларнинг авлодидан бўлган, ўзи ҳам 1930 йилга қадар имомлик қилган Исмоил Жўраевни қулоқ сифатида сургун қилиш ўрнига уни ўз ҳимоясига олган. Бу билан чекланибгина қолмай, қулоқ қилинган Бердиқул Турдиқуловнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб берган. Бундан ташқари, М. Оқбўтаев ёғ савдоси билан шуғулланган, ҳатто мойжувози бўлган Иброҳим Хўжановга ўзини яқин олиб юрган.

Шундай маълумотларга эга бўлган НКВД ходимларида нафақат М. Оқбўтаевни, балки уни ҳимоя қилган, ҳатто «жанговар операция» пайтида чекистларга қаршилик кўрсатган жомбойликларни ҳам қамоққа олиш нияти пайдо бўлади. Аслида, бу ният бундан анча илгари, Зиё Ўлмасбоев «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган кезларда туғилган. НКВДдаги девор бўлмаса, кўчани бемалол кўра олувчи мутахассисларнинг фикрига кўра, Зиё Ўлмасбоев Жомбойдаги миллатчи аксилинқилобчи ташкилотнинг раҳбари, у билан хизмат юзасидан тез-тез учрашиб юрган кишилар эса шу аксилинқилобий ташкилотнинг аъзолари эди. Улар Зиё Ўлмасбоевдан ҳам, бошқа маҳбуслардан ҳам шу фикрни тасдиқловчи маълумотни олишга уриндилар. Ҳусайн Ҳасанов исм-шарифли маҳбус 1938 йил 10 март куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида З. Ўлмасбоевнинг ҳузурида бўлиб ўтган «аксилинқилобий йиғинлар»нинг бирида 17 нафар кишининг қатнашгани ҳақида гувоҳлик бериб, жумладан, Мамашукур Оқбўтаев номини ҳам тилга олган.

Модомики, М. Оқбўтаев З. Ўлмасбоев раҳбар бўлган яширин ташкилотнинг аъзоси экан, нега энди уни жонжаҳдлари билан ҳимоя қилган кишилар шу ташкилотнинг фаоллари бўлмасин?! Боз устига, Исмоил Жўраев НКВД ходимларига ҳужум қилибгина қолмай, М. Оқбўтаев билан бирга қочиб, 8 ноябрга қадар Пойариқ туманида яшириниб юрган. Ушбу мисли кўрилмаган ҳужумнинг бошқа раҳбар ва иштирокчилари ҳам аксилинқилобий ташкилотнинг аъзолари бўлгани аниқ.

Тўғри, дастлабки тергов пайтида ҳибсга олинган кишиларнинг аксари ўзларига қўйилган айбни

2

бўйинларига олишмади. Исмоил Жўраев, на Хўжанов, на Ғиёсовнинг уйида бўлиб ўтган дўстона йиғиннинг бирортаси ҳам яширин ташкилотга алоқаси йўқлигини айтмоқчи бўлди. Бошқа маҳбуслар ҳам воқеанинг, аслида, бошқача кечгани ҳақида кўргазма бердилар. Лекин улар аксилинқилобчилар бўлганини тасдиқловчи бирор далилнинг йўқлигига қарамай, «учлик» мажлисида шафқатсизларча жазоландилар. Мамашукур Оқбўтаев, Исмоил Жўраев ва Ахрор Очилов 1937 йилнинг 29-30 декабрь кунларида отиб ташланиб, шахсан уларга тегишли мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилди. Иброҳим Хўжанов, Олломурод Жонмуротов, Нормамат Хўжанов, Ғози Нуруллаев ва Қудрат Ғиёсов 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бу рўйхатдаги маҳбуслардан бири Олломурод Жонмуротов эса 1942 йили Каргаполлагда жон таслим қилди. Уларнинг барчаси шунчаки оддий аксилинқилобий ташкилотнинг эмас, балки миллатчи аксилинқилобий қўзғолончилар ташкилотининг аъзолари сифатида қатағон этилди.

ҚИЙНОҚ ОСТИДАГИ КЎРГАЗМА

Архив ҳужжатларини варақлар экансиз, бир нарсадан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Маҳбуслар терговчининг биринчи саволига жавоб бериб, ўзларининг ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилотга алоқадор эмасликларини қатъий равишда айтганларига қарамай, иккинчи саволга жавоб бериш пайтида бутунлай ўзгариб қолганлар. Улар 180 градусга ўзгариб, ўзлари аъзо бўлмаган ташкилотларининг аксилшўровий ва аксилинқилобий фаолияти тўғрисида, бу ташкилотларнинг аъзолари тўғрисида шу қадар мукаммал сўзлаганларки, бор-йўғи бир-икки дақиқада одамзоднинг шунчалик ўзгариб қолиши мумкинлигидан ёқа ушлаб қоласиз. Аммо НКВД терговчиларининг иш услубидан яхши хабардор кишилар бу ўзгаришнинг қандай юз берганини сезиб турардилар. Негаки, улар терговчиларнинг маҳбусларни истаганларича қийнаганлари ва шу қийноқлар эвазига керакли маълумотларни олганларини яхши биладилар.

Биз қуйида келтирмоқчи бўлган тергов қайдномаси ҳам терговчи томонидан тузилиб, сўнг қийноқ эвазига маҳбуслдан имзо қўйдириб олинган. Шунинг учун ҳам камина муштарийлардан бу сўзларнинг тагига имзо чеккан жабрдийда маҳбусни тушунишлари ва кечиришларини сўрайди.

САВОЛ. Бошқа кишилар томонидан ёлланган миллатчи аксилинқилобий қўзғолончилар ташкилотининг қатнашчиларини айтиб беринг, шунингдек, Жомбой туманидаги аксилинқилобий ташкилот неча кишидан иборат бўлганини айтинг.

ЖАВОБ. Аксилинқилобий ташкилотга шахсан ўзим ёллаган барча шахсларга янги аъзоларни ёллаш ҳақида топшириқ берганман ва қарийб уларнинг ҳаммаси ёллаш билан шуғулланишган. 1936 йилнинг декабрь ойида менга маълумот берган аксилинқилобий ташкилот аъзолари жами 150 кишини ташкилотга ёллашган. Улар орасида шахсан ўзим ёллаган ва юқорида қайд этилганлардан ташқари, қуйидагилар маълум:... 2. Бегматов Очил... 15. Чиниқулов Равшан...

САВОЛ. Ташкилотингизнинг барча аксилинқилобий йиғинларини санаб беринг. Улар қаерда ўтказилган, ким раҳбарлик қилган ва қандай масалалар муҳокама қилинган?

ЖАВОБ. Аксилинқилобий йиғинлар асосан икки марта ўтказилиб, улар менинг ташаббусим билан чақирилган... Иккинчи аксилинқилобий йиғин 1936 йил декабрида, менинг хизмат хонамда ўтган. Унда аксилинқилобий ташкилотнинг (17 кишидан иборат рўйхатни бериб — Н. К)... аъзолари иштирок этишган. Бу аксилинқилобий йиғинда ташкилотга янги аъзоларни жалб этиш ва отларни тайёрлаш йўли билан аксилинқилобий ишларни авж олдириш масаласи ўртага қўйилди... Дарвоқе, мен уларга кишиларни тайёрлаш ва аксилинқилобий марказдан қўзғолонни бошлаш тўғрисидаги хабар келишига тайёр бўлиб туришимиз ва барча аҳолини ўз ортимиздан эргаштириб боришимиз лозимлигини тушунтирдим...»

Бу кўргазманинг тагига Зиё Ўлмасбоев имзо чеккан. Шубҳасиз, бу маълумотларнинг бирортаси тагида замин бўлмаган. Буни З. Ўлмасбоев ҳам, ҳатто терговчининг ўзи ҳам яхши билган. Аммо НКВДнинг Жомбой тумани бўлимига келган топшириқ терговчидан худди шу нарсани, маҳбусни қийнаб-азоблаб бўлса ҳам, олишни талаб қилган. Бошқа терговчилар сингари, у ҳам худди шу масалада ўз раҳбарларининг юзини ерга қаратмаган.

■ **Наим КАРИМОВ**
(Давоми бор).

3

ТЕАТР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ФИДОЙИЛАР САНЪАТИМИ ЁКИ...



Асримиз бошларида Туркистонда биринчи бўлиб Маҳмудҳўжа Беҳбудийнинг замон руҳидаги «Падаркуш» пьесасини ёзиши ва бу асар саҳна юзини кўриши кишини ҳайратга солмай қўймайди. Аввало у драматургия асосларини ва Европа театр санъатини чуқур ўрганиб, кейин халққа таъсир қилувчи, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, омманинг айни кундаги савиясини ҳисобга олиб, ўзбегим учун янги санъат тилига қалам урган. Абдулла Қодирий гарчи пьеса ёзмаган бўлсада, кино санъати ҳақида тўхталиб: «Отабек ролини ўзим ўйнардим!» деган. Бу ҳам кишини ўйлантириб қўяди...

Бугунги театр ҳақида гап кетганда, истаймизми-йўқми биринчи галда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри кўз олдимизга келади. Чунки тасаввуримизда дарров Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов ва бошқалар гавдаланади. Улар юрт, театр, санъатнинг чинакам фидойилари эдилар.

Ҳамза театрида бош ролларни санъат даражасига етказиб ижро этишда бугун ҳам улардан намуна олаётган актёрларни театр директори, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов қисқача қилиб: «Анъаналарга садоқат» деб тарифлади. «Келинлар қўзғолони», «Парвона», «Олтин девор», «Чимилдиқ» аллақачон халқ мулкига айлангани рост.

Ҳозирги пайтда «томошабинни тортиш керак», «театрга кам одам тушаяпти» қабилидаги гапларга Ҳамза театри ўз вақтида чек қўйиб, ўзига хос етакчилик қилаётгани «сирлари» билан санъатшунослар жиддий шуғулланишяптимикан. Бугунги телевидение, қоларверса, кино асарларидаги ролларнинг ижодкорлари ҳам шулар-ку.

Ёки Муқимий номли театрнинг Маҳмуджон Гофуров, Ҳамза Умаров, Фароғат Раҳматова сингари фидойилари-чи? Қизи вафот этган куни томошабин ҳурмати учун спектаклда ўз ролини қойилмақом ўйнаган Обид Жалиловни, 85 ёшни қоралаб вафоти арафасида Маҳмуджон Гофуровнинг 3 соат саҳнада маҳорат кўрсатганини ёки Аброр Ҳидоятов «Отелло»нинг битта саҳнасини кинофильмга суратга олишда икки маротаба кетма-кет ижро этиб берганини баҳолаш учун яна не сўз даркор?!

Бу ҳам майли. Аброр Ҳидоятов ёки Обид Жалиловнинг, Маҳмуджон Гофуров ёки Ҳамза Умаровнинг бирон марта тўйга бориб қўшиқ ёки «куплет» ижро этганини ким эшитган? Бу улкан санъаткорларни ҳамишалик жойи — театр саҳнаси эди!

Ҳозир томошабиннинг савияси ошиб кетган. Кино, телевидение борлиги учун театр уларни жалб этишга ожизлик қилаяпти, деган гапларга ишониш қийин. Унда Мольеру Шекспир, Шиллеру Станиславский, Гоголу қадимги грек классиклари Эсхил, Софокллар даврида томошабин «гўл, ҳеч нарсани тушунмайдиган» бўлган экан-да.

«Ревизор» бутун дунёда Гоголь қандай ремарка ва реплика ёзиб қолдирган бўлса — шу ҳолича, яъни ҳеч бир «буюк» режиссёрнинг ижодий «тузатишисиз» саҳнага қўйилаётган ягона асардир. Бугун биз «Келинлар қўзғолони» АҚШда намойиш этилаётганидан хурсандмиз. Ҳамза театри ижодкорлари «Келинлар қўзғолони»ни саҳнада обдон қиёмига етказдилар. Саид Аҳмад ҳар бир кўриниш, эпизод, саҳнада актёр қандай луқма айтишини театр санъаткорлари билан бир жону бир тан бўлиб пишитди. Устознинг бу заҳматли меҳнати бизга Мольер санъати фидойилигини эслатади: Мольер пьеса ёзардию, аммо саҳнада ўйнаётган актёрларнинг табиий хаттиҳаракатлари мантиқидан келиб чиқиб, сўзларини аямай ўзгартирар, ҳар бир кўринишни шундай тарзда қайта пишитарди. Ахир, театр маҳсули — жамоа ижоди! Ўта талабчан Абдулла Қаҳҳор ҳам актёрга «5 фоиз» сўзни ўзидан қўшишга рухсат этган. Ана шундагина ҳар бир актёрни томошабин ўз исми билан эмас, ролини ўйнаган қаҳрамон номи билан атай бошлаши мумкин. Кўп театрларда «оқ қоғоз» деган усул бор: режиссёрнинг гарчи сўзи — сўз бўлса ҳам актёрнинг эркин ўйнашига, яъни «ўзидан қўшишига» тўла рухсат беради. Шароф Бошбеков режиссёр Олимжон Салимов билан «Темир хотин» спектаклини ҳам шу тариқа дунёга келтирганини ўзи айтган эди.

Биз нега сўзни санъат, фидойиликдан бошладик? Ҳозир замон ўзгарди, янгиланди, мустақилмиз. Онгимиз ҳам ўзгарди. Энди биз ҳар бир нарсага янгича қарамоқдамиз. Табиийки, одамлар онгидаги ўзгариш санъатга ҳам кўчади. Бугунги театрда қўйилаётган асарларда замоннинг ўткир нафаси сезиляптими? Мен замон, бугунги кун деганда, албатта бозордаги олди-соттини, тор маиший мавзуни назарда тутаётганим йўқ. Замон руҳини бугунги инсон руҳиятини, юксак дид ва савияни кўзда тутаяпман. Қачонки театрда бақувват асар топилмаса, «Отелло», «Хамлет», «Қирол Лир» каби шоҳ асарларга мурожаат қилиш одоб тусига кирган. Ахир, ҳозир айни пайти эмасми «шоҳ сатрлар-ла безамоқ чоғи умр дафтарин!?»

Атоқли режиссёрларимиз ҳам ҳақ: драматургияда асоси бўш асарлар кўп, дейишади. Чингиз Айтматов бир суҳбатда кинофильмларни танқид қилиб: «Фақат классик асарлар асосида қўйилган кинофильмларгина эътиборга лойиқ бўлаяпти, қолганларида драматургия асослари жуда бўш», деган бир фикрни афсусланиб айтди.

Бундай замини суст пьесалар бизда озми? Омонат, ўткинчи ҳодисалар асосига қурилган бундай асарлар бугунги дидли ва талабчан томошабинни қаноатлантиряптими?

Ҳаётда ўз эрини бева дугонасига арзимас пулни деб «сотиб юборган» даюсни ҳеч учратганмисиз? Чақалоқнинг ким бўлиб етишишини ёлғиз Оллоҳ билади. Аммо бизнинг «муаллиф» чақалоқнинг бугунги авлодимизга ўхшамаётганини олдиндан биладиз. Ўз фарзандига ўхшаш чақалоқ излайдими ҳеч замонда буви билан бува? «Келинлар қўзғолони»да-ку қалами ўткир Саид Аҳмад Фармонбибининг ўғилларига аёллар қўйлаклозимини кийдириб кулги-ю сатирани хўп қиёмига етказган. Энди унинг «Панжасига панжа уриш»ни орзу қилиб қолган бошқа бир «муаллиф» ўзининг эркак «қаҳрамон»ига аёл либосини кийгизиб, ўзга хонадон аёлининг ҳузурига киритиб юборса-я? Нима бу латифами ёки алаҳсираш? «Майиз емаган хотин»ни ўқиган эдик. Ундаги маънодан хўп завқланган эдик. Тетапоя «муаллиф»ларнинг бугунги томошабинга «совға»лари шакар деб, тузни тутқазишдан бошқа нарса эмас-ку!

Улар Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Шароф Бошбеков, Усмон Азим, Ўткир Ҳошимов, Хайтмат Расул, Машраб Бобоев сингари хайру бадни яхши ажрата биладиган, қалами ўткир, бадиий диди юқори ва ёки Абдулла Қаҳҳор, Ўлмас Умарбеков каби устозлардан ўрганса-лар, лоақал улардан андиша қилса-лар бўлмайдими?

Кўпгина театрларнинг компаниячилик, «мавзуси муҳим»и деган бир ёқлама тушунчадан ҳанузгача қутула олишмаётгани ҳам саёз, сийқа «пьеса»ларнинг «болалаб кетиши»га сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бадиий кенгашлар, адабий эмақдошлар, драматургия секцияларини чалғитиб, томошабинни хурсанд қилиш ўрнига ранжитаётган сабаблар нима ўзи?

Ҳамма гап яна айланиб келиб драматургия асосларига тақалади. Бу ҳақда энди дўппини ерга қўйиб, жиддий бош қотириш палласи келди.

Ҳамид ИКРОМОВ,

«Ўзбекистон овози» мухбири
30 май 2000 йил.

Бу ажиб сатр, ўткир мулоҳазалар муаллифи энди орамизда йўқ. Бу, ўзининг сўнгги мақоласи эканини у қайдин билибди. Мақолани газета саҳифасида кўриш ҳам насиб этмади. Начора, Оллоҳ суйган бандасига осон ўлим ато этади, дейишади. Кечагина сафимизда юриб зарворли одим ташлаб, ҳамма билан гурунглашиб юрган инсонни афсуски надоматлар билан сўнгги йўлга кузатишга тўғри келди. У 61 ёшда эди. Самимий, дилкаш, кенг феъли қаламкаш эди. Катта-ю кичикка меҳрибонлиги билан ажралиб турарди. Иқтидори эса тинимсиз қалам тебратиш-у, ўқиш бўлди. Шу боисданми, «меҳнатдан топганинг юқар», дейишни кўп такрорларди. Таниқли журналист даражасигача катта йўлни босиб ўтди. Кўплаб устозлар кўрди, шогирдлар орттирди. Фаолияти «Тошкент ҳақиқати» газетасидан бошлаб, «Ўзбекистон овози»да чарҳланди. Туман газетасида муҳаррирлик қилди. Телевидениеда ишлади. «Тошкент оқшоми»да ўзини кўрсатди. Насибаси «Ўзбекистон овози»да экан, сўнгги дамгача эътиқодига содиқ бўлди. У ёзган мақолаю очерклар, ҳикоялар газета саҳифаларини безади. «Қанотлар», «Тонг юлдузи», «Шиша кўз» қиссалари ўз ўқувчисини аллақачон топган. «Тунгги поезд» қиссаси нашрга тайёр эди. Ҳа, тақдир экан. Кўп нарса йўқотгандек бўлдик. Илоҳим Оллоҳ ёрлақасин. Аммо дўстимиз Ҳамид ИКРОМОВнинг юриш-туришлари, ижоди-ю гурунглари ҳамиша хотирамизда.

ТАҲРИРИЯТ

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Рассом Рустам Худойберганов устахонасига кирсангиз мамлакатимизни бутун дунёга танитган қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари, ўлкамизнинг гўзал манзарали тоғлари, беқиёс боғлари ва кенг далаларини айланиб чиққандек, тарихий аждодларимиз ва машҳур кишилар билан кўришгандек, суҳбат қургандек бўласиз. Мусаввирнинг кўҳна шаҳарлар обидаларини тасвирловчи асарлари орасида «Бухоро. Чорминор», «Хива манзаралари» каби асарлари кишини мафтун этади. Унинг асарларида ранг танлашдаги изланишнинг самараларини кўриш мумкин. «Афросиёб-да баҳор», «Хумсонда баҳор», «Куз» асарлари моҳирона ва ўзига хос синчковлик билан ишланган.

Рассомнинг кейинги вақтлардаги ижодида портрет устида кўпроқ ишлаганини кўриш мумкин. Булар орасида Бобур, Амир Темур, Абу Саид Мирзо, Феруз портретлари алоҳида ўрин тутади.

Унинг изланишлари инсон маънавиятини бойитишга хизмат қилади.

■ Мохичеҳра МАШРАПОВА

Ўтган шанба куни барча ҳарбий қисмларда аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Самарқанддаги Н-қисмда ўтган бундай тадбирга узоқ-яқиндан аскарларнинг ота-оналари, ёру-биродарлари, уруш фахрийлари ташриф буюрдилар.

Қисм командири, полковник М. Расулов, республика Мудофаа вазирлиги вакили, майор З. Дўстмуродов, бухоролик Азим бобо Нарзиев, фарғоналик Муяссар ая Усмонова йигитларни мустақил юрт посбони бўлганлари билан муборакбод этдилар.

Аскарлар ёру-биродарлари, командирлари ҳузурида Ватан осойишталигини таъминлаш учун қасамёд этдилар.

■ Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Фарруҳ Ҳамроев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жўманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.50
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

ҲУЗУР-ҲАЛОВАТДАН КЕЧИБ

Кўпинча фалон ерда бир гектар майдондан 200-250 центнер картошка етиштирилибди, деган гапни эшитсак: «Отасига раҳмат, зап миришкор деҳқон эканми», деймиз. Аммо гектарига 500 центнердан ошириб ҳосил олганлар бўлган. Шундай одамларни хотирласак, тажрибасини ўргансак арзийди. Чунки улар деҳқончиликнинг ҳақиқий усталаридир. Бу ўтмиш сирларидан илм олмоқ, замин саховатини оширмоқ демак.

— Ўттиз икки ёшни қоралаганимда, — деганди Ғуломмаҳмуд ота, — мени раис қилиб сайлашди. Биринчи раисимиздан 1 та арава, бир жуфт ҳўкиз, 2 та от, 1 та омоч қабул қилиб олдим. Колхозда ҳаммаси бўлиб 51 киши ишларди. Хўжаликнинг бор бойлиги ҳам шу эди. 300 гектар ерни омоч билан ҳайдаб, кетмон билан эгат олардик. Ҳозирги тракторлар, ҳайбатли машиналар қайда дейсиз... Колхозда асосан аёллар, болалар, айрим ногиронлар меҳнат қилишарди.

Йиллар ўтган сайин колхознинг мавқеи мустаҳкамланиб, экинлар ҳосили, чорва маҳсулдорлиги ортиб борди. Деҳқончилик ва сабзавотчиликда катта тажриба тўпланди. Айниқса, картошкачилик ривож топди. Бунда бевосита раиснинг синчковлиги, елиб югуриши қўл келди.

Инсон ҳаёти давомида кўрмаганини кўриб, билмаганини билиб боравераР экан. Ғуломмаҳмуд ота 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида халқнинг турмушини яхшилаш, маданиятини кўтариш учун зарур иншоотлар, бинолар қуриш, кўчаларни асфальтлаш, хонадонларни газлаштиришга ҳаракат қилди.

Бир аллома ариқ ёқасида ўтириб ҳордиқ чиқараётганди, дарахтга чирмашиб чиқаётган чумолига кўзи тушибди. У дарахт ўртасига етганда нимагадир урилиб, ерга қулаб тушибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Бироқ чумоли қийинчиликларни енгиб, дарахт тепасига чиқиб олибди. Инсон ҳам олдига мақсад қўйиб интилса, ҳаракат қилса, йўлида учраган қийинчиликларни мардонавор енгса, албатта, муроди ҳосил бўлади.

Ғуломмаҳмуд ота ҳам ҳузур-халоватдан кечди. Эртадан кечгача идорамаидора юрди. Бормаган жойи, учрашмаган раҳбари қолмади. Бировни ака, бировни ука деди. Мақсадга эришди. Халқ раҳбарни бекорга ота, деб айтмайди. Ҳақиқатан иш кўзини билган раҳбарда гап кўп. Республикада биринчилардан бўлиб жамоадаги хонадонлар, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари газлаштирилди.

«Яхшидан от, ёмондан дод қолади», дейишади. Ғуломмаҳмуд отанинг ташаббуси, бевосита меҳнати билан бунёд этилган кўркам боғлар, идора, клуб, дўкон, мактаб, яслибоғчалар, ҳаммом, чойхона ва бошқа бинолар халқимизга хизмат қилиб турибди. Узум, анжир, шафтоли, ўрик, олма ва бошқа ширин-шакар мевалардан Юнусободда яшовчиларнинг, маҳалла аҳлининг оғзи тегмагани йўқ.

Ўзининг ҳаёт йўлини келажак авлодларга бағишлаган, инсонийлик бурчини сидқидилдан бажарган Ғуломмаҳмуд ота саксон йилдан ортиқ умр кўрди. Умрининг олтмиш беш йилини меҳнатга бахш этди. Бордию ҳозир Ғуломмаҳмуд ота тирик бўлганларида эди, юз ёш билан юзлашарди. Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшаганларнинг энг олдинги қаторида бўларди.

■ МУРОД ХАЛИЛОВ

«БАРКАМОЛ АВЛОД» ЎЙЛАНМАСИ

Қуйида изоҳлари баён этилган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Ўзбекистон ёшлари жамғармаси. 2. Фарзанд ўн икки ёшга тўлганида ўтказиладиган маросим. 3. Экранлаштирилган ўзбек халқ эртаги қаҳрамони. 4. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни нишонланадиган ойнинг Шамсия йили ҳисоби бўйича номи. 5. Инсоннинг вояга етмаган беғубор даври. 6. Болаларнинг севимли жумбоғи. 7. Ёш хонанда Достон Убайдуллаев ижро этган қўшиқ. 8. Кичкинтойлар журнали. 9. Ёш авлодга хос шодлик туйғуси. 10. Жисмоний бақувват бўлишда аҳамият касб этган азалий спортимиз тури. 11. Какао қўшиб тайёрланган, болалар хуш кўрувчи ширинлик. 12. Тинчлик рамзи, манзарали ўсимлик. 13. Қувонч, тантана... 14. Бир даврда туғилиб ўсган кишилар. 15. Болаларнинг баҳорги ўйини. 16. Ёш авлодга насиб этгувчи, бўлғуси замон. 17. Ойбек меросига мансуб «Болалик» қиссаси қаҳрамони. 18. Болалар учиб, ҳузур қиладиган мослама. 19. Ўткир ақлидрок, зеҳн. 20. Қобил, баркамол авлоддан ота-онага келадиган ҳузур-ҳаловат. 21. Жўхоридан қумда қовуриб тайёрланган егулик. 22. Кичкинтойлар муассасаси. 23. Инсоннинг етуклик, камолот даври. 24. Гўдаклар севиб томоша қиладиган экран асари тури.

Муаммонома: энди ўйланма жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади) мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг.

5-1; 23-2; 10-3; 11-3; 16-4; 2-1; 6-2; 12-8.

13-7; 4-3; 14-3; 9-4; 21-3. 17-6; 9-5; 15-6;

19-5; 16-4; 20-5; 19-2; 8-3; 6-4; 24-1; 7-2; 3-1

5-7; 16-2; 22-3; 22-5; 16-5; 2-4; 12-6; 24-6.

22-1; 17-2; 8-3; 13-5; 14-5; 1-1; 4-5; 3-4; 15-4; 11-6;

18-2; 18-4; 21-3; 7-2; 20-1.

Улардан эзгу истакларимизни билиб олишга муваффақ бўласиз.

■ Фозилжон ОРИПОВ тузди.



ЖАВОБЛАРИ:

Бўлишларни хонадан соат милли бўйича рақам атрофига: 1. «Камолот». 2. Мўйғал. 3. Зумрад. 4. Жанно. 5. «Болалик». 6. Тошпилоқ. 7. «Кизлоқ». 8. «Ғунча». 9. Қувонч. 10. Кураш. 11. Шоколад. 12. Чиннийгул. 13. Шолиқина. 14. Аялол. 15. Чиллак. 16. Келенжак. 17. Мусаевой. 18. Арпимоқ. 19. Заковат. 20. Роҳат. 21. Бодроқ. 22. Боғча. 23. Балоғат. 24. Мулъбифилм.

Муаммономо:
ибдоиий сўзлар:
Бақамол авлод она-ватанимиз келажаги бўлишларидир.

ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК

Тошкентда биринчи марта

«ХИТОЙ ДЕВОРИ»

Мўъжизали цирк жанрларидан иборат томошалар 2 июндан бошлаб ҳар куни намойиш этилади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги санъат мухлислари ҳам бу томошаларга бемалол марҳамат этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Хадра майдони, Цирк биноси. Телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

YANGI VEGA

«Янги Вега» ўзбек-австрия қўшма корхонаси Ўғил ва қиз болалар ҳамда ўсмирлар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган

АСЛ ТАБИИЙ ЧАРМДАН

оёқ кийимларини ишлаб чиқармоқда. Фарзандларимизнинг бошлари доимо омон бўлсин!

Манзил: Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси, 16-уй. Тел: 260 (код) 2-11-39, 2-12-41.